



2020 у « 4 » ноябр _____

№ Қ-1716 _____

« _____ » _____ 20 _____ г

Тумандаги “Азларсой” маҳалласи худудидан фуқаро Янгибоев Исматулла Қулмаматовичга деҳқон хўжалиги юритиш учун 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 55-моддаларига асосан, Ер майдонлари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 21 сентябрдаги далолатномаси, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 2020 йил 21 сентябрдаги хулосасини ўрганиб чиқиб, фуқаро Янгибоев Исматулланинг аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 5, 8-моддаларига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ер майдонлари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 21 сентябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Азларсой” маҳалласи худудидан хўжалик харитасида 140ақ-дала контурда жойлашган туман ҳокимлиги захира ер майдонидан фуқаро Янгибоев Исматуллага деҳқон хўжалиги юритиш учун 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони умрбод эгалик қилиш учун ажратиб берилсин.

3. Деҳқон хўжалиги бошлиғи Янгибоев Исматулла зиммасига Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя қилиш ҳамда ажратилган ер майдонидан самарали фойдаланиш, бино ва иншоотлар курмаслик фақат қишлоқ хўжалиги ва экспортбоп маҳсулотларини етиштириш ва ҳар йили экспорт қилиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талабига асосан ажратилган ер майдонидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланганда мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи в.в.б (Х.Йўлдошев)га, туман захира ер майдонига тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Турсунов)га туман статистика бўлими (Ш.Аллаёров)га “Азларсой” МФЙ (Б.Сариев)ларга янги ташкил этилган деҳқон хўжалигини руйхатга олиш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевлар зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров

TO'G'RI
ZBEKISTON RESPUBLIKAS
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR

